O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
JARQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I
190600. Jarqo'rg'on tumani. O'zbekiston k. 13;
tel: (+99876)432-10-94. fax: 432-10-08

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ДЖАРКУРГАНСКОГО РАЙОНА
190600, Джаркурганский район, ул. Узбекистан 13 :
тел: (+99876)432-10-94, факс: 432-10-08

2020 y «27» Апрель № Б-736 «___» _____ 20___

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6,25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2."Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ "Ёнилғитаъмин бошқармасига қарашли Термиз ёқилғи омбор хўжалиги марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3."Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ "Ёнилғитаъмин бошқармасига қарашли Термиз ёқилғи омбор хўжалиги томонидан аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4."Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ "Ёнилғитаъмин бошқармасига қарашли Термиз ёқилғи омбор хўжалиги бошлиғи (Р.Тўлбоев)га ичимлик сувини белгиланган тартибда ва миқдорда шартнома асосида махсус автотранспорт орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5.Туман ҳокимлиги ахборот матбуот котиби (С.Маматмуродов), "Жарқўрғон" газетаси таҳририяти (А.Паянов)га мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатни "Жарқўрғон" газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

6.Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 19 декабрь кунидаги 107-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Шапўлатов зиммасига юклатилсин.

8.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **З.Давлатов**

Туман хокимининг 2020 йил
8-736 сонли қарорига
Илова

“Ўзбекистон Темир йўллари”АЖ “Темирйўлёнилғитаъмин бошқармаси Термиз ёнилғи-кўмир омбор хўжалиги томонидан туман ҳудудидаги аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархлари

№	Ҳудуд номи	Миқдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофа (км)	Ҳудудлар бўйича ҚҚСсиз ўртача таъриф	
					Сўм (1тн)	Сўм (1литр)
	1	2	3	4	5	6
1	Узумзор	50 тн	ҳар 7 кунда	21 км	20.000 сўм	20 сўм
2	Матонат	30 тн	ҳар 7 кунда	20 км	20.000 сўм	20 сўм
3	Офтобқўрғон	40 тн	ҳар 7 кунда	19 км	20.000 сўм	20 сўм
4	Мустақиллик	40 тн	ҳар 7 кунда	20 км	20.000 сўм	20 сўм
5	Халқобод	40 тн	ҳар 7 кунда	25 км	20.000 сўм	20 сўм
6	Оби-ҳаёт	10 тн	ҳар 7 кунда	32 км	20.000 сўм	20 сўм
7	Ғур-ғур	45 тн	ҳар 7 кунда	17 км	20.000 сўм	20 сўм
8	Қирон	28 тн	ҳар 7 кунда	16 км	20.000 сўм	20 сўм
9	Мингчинор	30 тн	ҳар 7 кунда	20 км	20.000 сўм	20 сўм
10	Маслаҳаттепа	35 тн	ҳар 7 кунда	45 км	20.000 сўм	20 сўм

Келишилди

Туман ҳокими ўринбосари **Ж.Шапўлатов**

Вилоят “Сувоқава” ДУК Жарқўрғон туман филиали бошлиғи **Э.Таджимуратов**

“Ўзбекистон Темир йўллари”АЖ Темирйўлёнилғитаъмин бошқармаси Термиз ёқилғи-кўмир омбор хўжалиги бошлиғи **Р.Тўлбоев**